31. 2003. I-XII

2003 ЙИЛ – ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

№1 (331)

2003 йил 8 январь

Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

2

* Юртимиз катта маҳаллага ўхшайди...
* Инсон қадри маросимда эмас!

3

* «Холвангизни ҳалол тарозида тортинг, бобожон!»
* ...Тупроғи майин, Тошкентим!

4

* Мутриб илк мухбирлардан эди!
* Сермулозамат сартарошнинг «сири»...

- Обод маҳалланинг болалари қувноқ, ҳаётда бахтиёр бўлади, - дейди тажрибали оқсоқол, Ҳамза туманидаги А.Назаров номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собир ака КОМИЛОВ (суратда).

Янги йил байрамида маҳалланинг деярли барча болалари маҳалла томонидан совғасаломлар билан сийланди.

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Янги йил муносабати билан чет мамлакатлар давлат ва ҳукуматлари бошлиқлари, халқаро ташкилотларнинг раҳбарларидан сиҳат-саломатлик, бахт ва омонлик тилаб билдирилган самимий табриклар ҳамон келиб турибди.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш ва унинг рафиқаси Лаура Буш қуйидаги табрикни йўллаган:

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ушбу байрам дамлари ва бутун Янги 2003 йил мобайнида қалбингиз ва хонадонингиздан меҳр-муҳаббат ва тинчлик-тотувлик аримасин.

Жорж БУШ,
Лаура БУШ

Шунингдек, **Литва Республикаси Президенти Валдас Адамкус ва унинг рафиқаси Алма Адамкиене; Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко; Корея Халқ Демократик Республикаси Мудофаа қўмитасининг раиси Ким Чен Ир; Словения Республикаси Президенти Милан Кучан; Кемерово вилояти губернатори Аман Тулеев ҳам ўз табрикларини йўллаган.**

Фармон, қарор - ижро

Диққат: ўйингоҳда – БОЛАЛАР

«МАҲАЛЛАМИЗДА 9 ЖАМОА БОР ВА УЛАР СПОРТ КИЙИМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН»

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб ўсишларида спортнинг ўрни беқиёс. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори айни муддао бўлди. Яқинда бу жамғарма ўз фаолиятини бошлади. Бу борада пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани Навбаҳор маҳалласи ва ҳокозо спорт турларини оширишга хизмат қилади.

Маҳаллада ўтгган ишлар ҳақида батафсил тўхталмоқчимиз. Маҳаллада тўртта болалар спорт майдончаси мавжуд. Тошкент трактор заводи Давлат ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Трактор» спорт соғломлаштириш марказининг маҳалла ҳудудида жойлашганлиги бу соҳадаги ишларнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу ерда маҳалла ёшлари спортнинг барча турлари билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Шахмат, теннис, футбол, самбо, сузиш ва ҳокозо спорт турларига болалар қизиқишларига қараб жалб қилинган. Мунтазам ўтказиб келинадиган «Ойим, дадам ва мен - спортчи оила» мусобақаси спортнинг оммавийлигини оширишга хизмат қилади.

Маҳалла ёшлари ўртасида футболга қизиқиш катта. Маҳаллаларо футбол мусобақаларида шаҳар босқичида иштирок этиш ҳукуқини бир неча бор қўлга киритганлар. Маҳалланинг ўзаро куч синашадиган тўқизта футбол командаси мавжуд. Ҳатто командаларнинг номланишида ҳам болаларнинг спортнинг бу турига муҳаббатлари нечоғли зўр эканлиги кўриниб турибди. «Манчестер Юнайтед», «Ўзбекистон», «Барселона» ва «Ювентус» маҳалланинг кучли жамоаларидан ҳисобланади.

Мирзо Улуғбек тумани спорт қўмитаси Камолот ёшлар ижтимоий Ҳаракатининг туман кенгаши билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

- Спортнинг катта тарбиявий куч эканлигини ўз тажрибамдан кўриб турибман, - дейди маҳалла оқсоқоли Шоакрам Шоабдиев. - Ёшларимиз орасида кўнгилсиз ҳодисалар кескин камайган. Уларни спортга жалб қилишда сардор Файзулла Қаландаровнинг хизматлари катта бўлди. Маҳалламиздаги тўққиз команданинг барча аъзолари спорт кийимлари билан таъминланган. Кам таъминланган оилалар фарзандлари учун спорт соғломлаштириш марказидаги барча секцияларда шуғулланиш бепул.

Невараларимни ўзим майдонга олиб тушаман

- Биз нафақат спорт соҳасида, балки тозалик ва ободонлаштириш ишлари бўйича шаҳар кўрикларида қатнашиб фахрли ўринларни олишга муяссар бўлдик. Бу соҳада бизга яқин кўмакчи бўлган «Тўлқин ота - коммунал» ширкатининг алоҳида ўрни бор. Спорт мусобақаларида ҳам айнан шу ширкатнинг ҳомийлик ёрдамларига суянамиз. Юрт иши учун жон куйдурувчи юртпарвар инсонларни айнан спорт тарбиялашига шубҳам йўқ.

Инобат ИБРОҲИМОВА.

Янги йил илҳоми

Мен кекса авлод вакили сифатида собиқ шўролар даврида маҳаллалар деярли эътибордан четда қолгани, бебаҳо қадриятларимиз, бой тарихий меъросларимиз топталгани шоҳидиман. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейингина йўқотган барча маънавий неъматларимиз қайта тикланди. Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан янги йилни «Обод маҳалла йили», деб эълон қилиниши халқпарварликнинг ёрқин тимсолидир.

ОБОД МАҲАЛЛАМ

Қадим юрт бағрида тошқин, маҳаллам,
Бобомдай вазмину жўшқин маҳаллам.
Давринг келди яна жўшгин, маҳаллам,
Меҳру мурувватли, обод оилам,
Сенга таъзимдаман доим, маҳаллам.

Файзинг кетиб бир пайт вайрона эдинг,
Не қиларинг билмай ҳайрона эдинг,
Удумлар топталиб, гирёна эдинг,
Ўзлигинг йўқотиб, тортиб ғам, алам,
Саломсиз, аликсиз юрдинг, маҳаллам!

Мана, бугун яна қаддинг ғоз бўлди,
Қайтди аньаналар - жуда соз бўлди,
Эзгулик дилларда сарафроз бўлди,
Бас, авж пардаларда янграсин яллам,
Сен шеърим, қўшиғим, куйим, маҳаллам!

Сен борсан, эзгулик завол бўлмайди,
Сен борсан, оқибат ерда қолмайди,
Сен борсан, ўзбегим - мангу яйрайди,
Токи тушмас экан қўлидан қалам,
Тожибек мадҳингда бўлур, маҳаллам!

Тожибек ЮСУФБЕК ўғли,
меҳнат фахрийси.

Обуна-2003

«Mahalla» - Обод маҳалла КЎЗГУСИ

«ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ»ДА «MAHALLA»НИНГ ИЛК СОНИНИ САМАРҚАНДДА 922 ТА, СИРДАРЁДА ЭСА... 64 ТА МУШТАРИЙ ЎҚИЙДИ!?

Маҳалла оқсоқолига унинг фаолиятида ёрдам берувчи, кўмаклашувчи кишилар анчагина: хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, котиб, посбонлар ва уларнинг сардори, педагог-тарбиячи, фаоллар... Айни пайтда оқсоқолга ҳам, унинг санаб ўтилган кўмакчиларига ҳам бирваракайига беминнат кўмакчи бўлиши лозим бўлган нашр - «Mahalla» газетасидир.

Бу катта масъулият, биз бу масъулиятни ҳар онда ҳис қилиб турамиз. Лекин ана шу масъулиятли фаолиятимиз маҳсули бўлмиш газетанинг ўзи юртимиздаги ҳар бир оқсоқолга, тизимнинг ҳар бир ходимига етиб бормоқдамикан? Ўтган йилнинг охирги уч-тўрт ойи мобайнидаги обуна кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз, бу саволга ижобий жавоб ололмаслигимиз маълум бўлди. Хўш, нега шундай? Нима учун айрим вилоят ва туманларда газетамиз ўзининг йўналиши, мавзуси нуқтаи назаридан энг аввало етиши керак бўлган манзилга - маҳаллага, оқсоқолнинг иш столига бориб етмаяпти? Вазиятни янада аниқроқ ифодалаш учун оддий ҳисоб-китоб амалларини бажарсак кифоядир: Хоразм вилоятида 833 та, Сирдарё вилоятида 333 та, Жиззах вилоятида 259 та шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият юритмоқда. Буни қарангки, газетамизга обуна ушбу йил бошида Сирдарёда 64 та Хоразмда 178 та, Жиззахда 139 та холос. Маҳалла тизими фаолиятига оид бирор адабиёт ёки қўлланмалар ҳали унча кўп бўлмаган айни пайтда, тизим ва унинг ҳар бир ходими фаолияти мезонларини белгиловчи, ютуқ ва муаммоларини ёритувчи республика миқёсидаги нашр - «Mahalla» газетаси нақотки юқоридаги вилоятлардаги оқсоқолларга, маҳалла ходимларига, қолаверса, фуқароларига даркор бўлмаса. Тўғри, обунада газета саҳифаларининг ўқувчи талаби даражасига мос бўлиши, аниқроғи муштарийни жалб эта олиши ҳам аҳамиятга эга. Бу ўринда бизнинг ҳам камчиликларимиз бўлиши мумкин. Аммо биз имкони бўлганда вилоятларга борib, имкон топмасак, вилоят мухбирларимизнинг саъй-ҳаракати билан у ердаги маҳаллалар фаолиятини, умуман вилоятлар ҳаётини тўлақонли ёритишга интилмоқдамиз. Шунингдек, Жиззахнинг замонавий урфда қурилган муҳташам гузарларинию Сирдарё ва Хоразмдаги маҳаллаларининг ўзига хос жиҳатларини алоҳида саҳифаларда ёритдик. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Аммо бундан қуйи вониши ва фаолиятни ташкилотчилигини мумкин бўлган вилоят аҳли, тизим ходимлари бизнинг саъй-харакатларимиздан бехабар ва бебаҳра қолаверар эканлар-да! Устига-устак, юқоридаги обуна кўрсаткичлари йилнинг иккинчи ярмида тенг ярмига камаяди, яъни ана шу озгина обунанинг ҳам ярми олти ой учун расмийлаштирилган. Наҳотки 2003 йилнинг июль ойидан Сирдарёга бор-йўғи 37 та, Хоразмга 55 та, Жиззахга эса 82 та газета «йўл олади». Газетамиздаги ибратли, таҳлилий-танқидий мақолаларнинг оқсоқол фаолиятига сезиларли таъсир этиш-этмаслиги бошқа гап, аммо тизимдаги янгилик, турли Низомлар, тизим фаолиятига оид ҳукумат қарорларию Президентимизнинг Фармонларидан бехабар қолган оқсоқол ўз фаолиятида гўёки нотаниш ўрмонда адашиб қолган кимса ҳолига тушмайдими? Тушади, албатта. Шунда у газета сўраб кимларга «сарғаяр» экан. Шу ўринда пойтахтимиз - Тошкент шаҳридаги маҳалалалардаги обуна хусусида бироз тўхталсак. Тан олиш керак, пойтахт маҳаллаларида ҳамма жабҳада имкониятлар вилоят маҳаллаларига нисбатан бир неча боробар ортиқ. Шунинг учун ҳам пойтахт маҳаллалари вилоятларникидан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Лекин обуна борасида... Шаҳарда 450 дан ортиқ маҳалла бор, 402 та обунанинг 200 тасигина тўлиқ бир йил учун холос. Афсуски, пойтахтда бўла туриб обуна бўлишга ҳали «қўли тегмаган» маҳаллалар анчагина.

> «Mahalla»ни ушбу йилда фақат оқсоқол эмас, ҳамма ўқийди.

Бу мақолани ўқиган муштарий, газетага обуналар сони камайиб кетибди-да деб ўйлаши ўринсиздир. Аксинча, газетамизга бу йилда ҳар йилгидан кўра кўпроқ обуначилар бор. Сафдош газеталар орасида ҳам уяладиган эмасмиз. Самарқанд, Наманган, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент вилоятида нафақат ҳар бир маҳалла оқсоқоли, балки кўплаб фуқаролар ҳам «Mahalla»ни ўқийдиган бўлишибди. Биз юқорида саналган манзиллар учун ачинаяпмиз холос. Зотан биз Президентимиз томонидан «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинган ушбу йилда, ундан кейин ҳам оқсоқолларимизнинг касбий салоҳиятини кучайтириш, маънавий дунёсини бойитиш ва фаолияти жараёнида зарур жойдаю зарур вақтда ёнидаги энг биринчи ҳозиржавоби бўлишни энг олий мақсадимиз деб ҳисоблаймиз. Демак, нашрларга обуна, шу жумладан «Mahalla» газетасига обуна бўлиш маҳалла фаолиятида шубҳасиз ўз ўрнига эга.

Обуна мавсуми эса йил бўйи давом этади, муштарийларимиз бор-йўғи бир ойга кечикдилар, холос.

Мавлуда ҚОСИМОВА

Аъзамжон ГАДОЙБОЕВ,
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши,
«Маҳалла» жамғармаси раиси.

Сарҳисоб ва режа

2003 йил - ИСТИҚБОЛНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ ЙИЛИ

Янги йилнинг дастлабки кунларида ўтган йил давомидаги саъй-ҳаракатларимизни сарҳисоб қилиш, келаётган йилдаги вазифаларни белгилаш, режалаштириш ҳар биримизга хос. Республика Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг ўтган Қарияларни қадрлаш ва кириб келган Обод маҳалла йилидаги фаолиятига шу нуқтаи назардан ёндошсак, эришилган ютуқ ва муваффақиятлар, олдинда турган мақсад ва вазифалар яққол намоён бўлади.

Ўтган йил бошида жамғармамиз ва республикамиздаги бир нечта вазирликлар, давлат, нодавлат ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Футбол федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Экосан», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Болалар» жамғармалари, Халқаро Қизил ярим ой жамияти , «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси каби ташкилот ва муассасалар ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик борасидаги шартномаларнинг катта ижобий натижа берганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давоми 4-БЕТДА.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масъул котиб: 136-53-75 Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Фарғона вилояти

Посбонларга мукофот

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ РАҒБАТГА ЛОЙИҚ

Ҳозирги кунда Фарғона вилоятидаги 961 та маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият кўрсатаётган посбонлар сони 5808 кишини ташкил қилади.

Улар шаҳар ва туманлардаги милиция таянч пунктларида профилактика инспекторлари билан яқин ҳамкорликда фуқароларнинг тинчлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни фош этишда самарали ишламоқдалар. Мазкур йилнинг ўтган даврида вилоятда маҳаллалар посбонлари иштирокида икки мингдан ортиқ турли хил ҳуқуқбузарликларнинг олди олинди, 300 га яқин жиноят очилди.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, ички ишлар идораларида хизмат даврида ҳушёрлик кўрсатган илғор посбонларни рағбатлантириб бориш анъанага айланиб қолган. Яқинда ана шундай посбонларнинг 20 нафарига вилоят ҳокимининг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Мукофотланганлар орасида Фарғона туманидан Баҳодир Тошматов, Бешариқдан Акрамжон Усаров, Данғарадан Хурсанали Тўхтабоев ва бошқалар бор.

Фахрий ёрлиқ ва совғаларни вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнорахон Маърупова топширди. Мукофотланганларни вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Шарофиддин Худоёров ва вилоят Оқсоқоллар кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Толибжон Хафизовлар табриклашди.

Кодир ШОДМОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Андижон вилояти.

ПОЙТУҒДА ИШСИЗЛАР ЙЎҚ

Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан «Пойтуғ» ширкат хўжалигининг фойдаланилмаётган клуб биносида тикиш ва пойабзал цехи ишга туширилди.

Маҳаллий тадбиркор Ҳасанбой Азимов маъмуриятнинг кўмагида клубни таъмирлади ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган цех ташкил этиб, 50 нафардан зиёд ёшларни иш билан таъминлади. Улар цехда аҳоли ва харидорларнинг буюртмаси бўйича катталар ҳамда болалар учун турли тикув ва пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқаришмоқда.

Жорий йил бошидан бери маҳаллий тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати самараси ўлароқ Пойтуғда 500 та янги ишчи ўрни ташкил этилди. Бунинг натижасида шаҳарда рўйхатга олинган ишсизлар тугатилди.

«Туркистон-пресс»

2003 йил - ИСТИҚБОЛНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ ЙИЛИ

(Боши 1-бетда.)

Бизнинг йил давомидаги барча йўналишдаги тадбирларимиз ана шу ҳамкорларимизнинг тўлақонли иштирокида ўтгани ушбу тадбирларнинг салоҳиятини, қамровини, самарасини оширди. Хўш, бизнинг саъй-ҳаракатларимиз қай мақсадга йўналтирилган эди? Албатта, биринчи мақсадимиз маҳаллаларимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, тизим ходимларининг фаолиятини кучайтириш ва муҳим вазифаларимиздан бири - аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда маҳалланинг ролини кенгайтиришдан иборатдир. Бу борада Бошқарув томонидан ҳар йилнинг бошида бир нечта йўналишда республика миқёсида эълон қилинаётган кўрик-танловлар фидойилик намунасини кўрсатаётган тизим ходимларини рағбатлантириш, бу билан уларнинг ғайрат, шижоатларини янада ошириш ва тажрибасини бошқаларга татбиқ этишда яхши омил бўлмоқда. Анъанавий тус олган «Энг обод маҳалла», «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор оқсоқол» каби кўрик-танловлардан ташқари ўтган йили Қарияларни қадрлаш йили дастури доирасида «Кексаларни эъзозловчи намунали маҳалла», «Маҳалла жонкуяри», «Оталар чойхонаси», «Миллий қадриятлар ва Конституциямизни тарғиб қилишда энг фаол қатнашган оқсоқол» кўрик-танловлари ҳам ўтказилди. Уларни ўтказиш жараёнида маҳаллаларимизда айнан биз кўришни хоҳлаган ижобий ўзгаришлар юз берди. Чунки кўрик-танловда қатнашиш дегани кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиш дегани. Ҳеч бир маҳалла аҳли ўз маҳалласининг ёмон баҳо олишини хоҳламайди, аксинча айнан унинг маҳалласи номи доимо пешқадамлар сафида тилга олинишини истайди. Бугун, ишонч билан айтиш мумкинки, шундай истак маҳаллаларимизнинг каттаю кичик фуқароси қалбида яшамоқда. Айниқса, маҳаллалари шаънини ҳимоя қилиш истаги ўсиб келаётган ёшларимизда кучли. Биз бунга 2002 йил давомида ўтказилган анъанавий «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаларида амин бўлдик. Шу ўринда Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонни имзолаганлари айни муддао бўлди. Ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишларини кучайтириб, биз бир йўла уларнинг соғлом ва бақувват ўсишларини ва ҳар бир ёшнинг ўзига бўлган ишончини ошириб, Ватанига садоқатли шахс сифатида шаклланишига эришишимиз мумкин. Бугун маҳалласи шаънини спорт мусобақаларида жон-жаҳди билан ҳимоя қилаётган бу болалар келажакда қайси соҳа кишиси бўлишидан қатъий назар юртимиз довруғини оширишга қодир бўлади, деб ишонч билдириш мумкин. Шунингдек, спорт мусобақалари оммавий тадбир бўлгани учун бундай тадбирларнинг маҳаллалараро республика миқёсида ўтказилиши маҳалла-қўй ишига кўпчиликни жалб қилиш ва фуқароларимиз ҳаётида, жамиятимизнинг ривожланишида тизимнинг ролини оширишга катта ҳисса қўшиши ҳам шубҳасиз. Шу ўринда қувонч билан таъкидлайманки, 2003 йилнинг Президентимиз ташаббуси билан «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши тизим фаолиятида жуда салмоқли ва муҳим ижобий ўзгаришларга, ислоҳотларни амалга оширишга ҳаммамизни илҳомлантирди. Юртбошимиз маҳаллаларимизни обод қилайлик, деганда фақат ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини назарда тутмаганларини ҳар биримиз яхши англамоқдамиз. Маҳаллаларимиздаги маънавий муҳитнинг соғломлиги уларнинг ташқи кўринишидан муҳимроқлигини тан олган ҳолда, ўрни келганда иқтисодий йўналишда ҳам уларни янада кўпроқ қўллаб-қувватлаш чораларини изламоқдамиз. Юртбошимиз кўп бора таъкидлаганларидек - инсоннинг қадри дабдабали маросимлар билан эмас, маънавияти даражаси билан, унинг одамлар, жамият учун қай даражада фойда келтираётгани билан бегиланиши - айни ҳақиқатдир. Биз ана шу ҳақиқат ушбу «Обод маҳалла йили»да ҳар бир фуқаромизнинг ҳаётида ўз аксини топишига эришишимиз керак.

Юртимиз минглаб маҳаллалардан ташкил топган катта Маҳаллага ўхшайди. Шундай экан, маҳаллаларимизнинг обод бўлиши - юртимизнинг обод бўлишидир. Демак, ҳар кимнинг ўз маҳалласи ободлиги йўлида қилган кичик саъй-ҳаракати ҳам Ўзбекистонимиз ободлиги, равнақи учун кўшилган катта ҳиссаси бўлади.

Суратда: Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Ипак йўли маҳалласи оқсоқоли Равшан Авазов (ўнгдан биринчи) фаоллар билан янги йил режаларини кенгашмоқда.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар бўлими профилактика назорати бўлими бошлиғи, милиция майори Одил Опиров Бобур маҳалласи ўсмирлари билан суҳбаташмоқда.

М.ҚОСИМОВА
ёзиб олди.
М.ХЎЖАҚУЛОВ, Р.ГАЛИЕВ
олган суратлар

Сурхондарё вилояти

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари иш тажрибасидан

ЙИҒИНга БАРАКА КИРМОҚДА

Туб ислоҳотлар ҳар бир хўжалик ёки ташкилот раҳбаридан қўшимча иқтисодий манбаларни қидириб топишни тақозо этмоқда. Ана шу йўлдан бораётганларнинг эса бири икки бўлиб, топганига барака кираётир.

Булар сирасига Шўрчи туманидаги Шўрчи қишлоқ фуқаролар йиғини фаолиятини киритиш мумкин. Ҳудулдаги 6 та маҳаллада 15700 нафар киши истиқомат қилади. Уларнинг ишга яроқли 85 фоизи ижтимоий фойдали меҳнат билан банд. Аҳоли асосан пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Белгиланган режа, топшириқларнинг бажарилиши ёмон эмас. Айниқса, тасарруфдаги 43 та деҳқон-фермер хўжалигида ўтган бу йил кўзда тутилганидан ҳам зиёда ҳосил йиғиштириб олиниши, чорва моллар маҳсулдорлиги ошишига эришилди. Булар эвазига маҳаллалар ҳудудларида ободончилик ишларига кўпроқ эътибор бериш, маиший хизмат нуқталарини кўпайтириш имкони туғилди. Лекин, барибир, фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Раимов кўнглида тугиб юрган хайрли режаларини амалга ошириш учун маблағ камлик қиларди. У фаолларни йиғиб, давлат барча тўловларини ўзимиз йиғсак, ундан келадиган фоизли тушумларни эса мақсадли йўналишларга сарфласак, деган таклифни ўртага ташлади. Кўпчилик уни қўллаб-қувватлагач, аҳолидан тўловларни ундириш бўйича таркиб тузилди. Тегишли тушунтириш ишлари олиб борилди. Бу тадбирга солиқ идоралари ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари жалб этилгани ҳам бесамар кетмади. Ана шу тушумлардан келган фоизлар ҳисобига сартарошхона, кутубхона ва стадион қурилиб, ишга туширилди. Қўшимча манбадан топилган маблағнинг бир қисми (376 минг сўм) эса кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам сифатида берилди.

- Тома-тома кўл бўлур, деганлари рост экан, - дейди йиғин раҳбари Т.Раимов. - Бундай йўл тутиш биринчидан, давлат ҳамда фуқаролар йиғини бюджетини тўлдирса, иккинчидан, иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг маданий-маиший хизматга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ва айни пайтда кўмакка муҳтож кишиларни моддий қўллаб-қувватлаш имконини берди. Биз бундан буён ҳам бу эзгу тадбирни давом эттираверамиз.

Дарвоқе, юқорида қайд этилган тушумдан 3 та қудуқ кавланди ва қўшимча маблағ миқдорини кўпайтириб бориш режалари тузилди.

Айтмоқчи, қишлоқ фуқаролар йиғини бўйича ҳафтанинг ҳар шанбаси - «Ободончилик куни» деб белгиланганини ҳам ибратли ишлардан бири қаторида санаб ўтиш мумкин. Шу куни уй бекалари ўз хонадонларини супуриб-сидирадилар, саранжом-саришталайдилар.

Бундай манзарага Ҳурлик маҳалласида ҳам дуч келасиз. Ўтган йилда асосий кўчалар кенгайтирилиб, шағал ётқизилди. Бир нечта маданий-маиший хизмат нуқталари барпо этилди. Ҳурлик маҳалласида амалдаги йил давомида ҳудудда бирон марта жиноят иши содир этилишига йўл қўйилмади. Хўш, бунга қандай қилиб эришилди? Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамасодиқ Йўлдошевнинг фикрича, аҳоли ўртасида соғлом муҳитни ва меҳр-оқибатни қанчалик таркиб топтириш - маҳалла фаоллари, унинг қошида ташкил этилган мутасадди комиссиялар аъзоларининг саъй-ҳаракати, ташаббус, изланиш ва иштиёқларига боғлиқ. Балоғат ёшига етмаган, бирор қинғир ишлар қилишга мойил айрим болалар мунтазам назоратга олинган.

Яна бир гап. Белгиланган режалар қоғозда қолиб кетмаслиги учун бу ерда анъанага айланган «Маҳалла куни»да маҳалла посбонлари сардори, милиция участка нозири ва фуқаролар йиғини вакиллари бир ҳафталик фаолият тўғрисида ҳисобот берадилар, кейинги ҳафта вазифалари белгиланади. Намуна қилиб кўрсатса арзигулик ишлар оммалаштирилади. Энг муҳими, шу куни муаммоли масалалар - юқори органларга ёзиладиган шикоятлар, турли ёзма ва оғзаки мурожаатларга барҳам берилаётир.

Шу каби тадбирларнинг амалийлигига эришишда фуқаролар йиғини котиби Бозор Поёнов, педагог-мураббий Чори Шукуров, маҳалла посбони Чори Қўзиевлар айниқса кўпроқ жонбозлик кўрсатяптилар. Бизнингча, ушбу маҳалланинг ана шу ташаббуси кенг оммалаштиришга арзигуликдир.

Йўл берганга қўл бер, деган нақлнинг бежиз айтилмаганини Ҳурлик мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, ўзининг эзгу ишлари билан маҳалла аҳли оғирини енгил, узоғини яқин қилаётган, улар дардига малҳам бўлаётган, иқтисодий, ижтимоий томондан қўллаб-қувватлаётган фуқаролар йиғинига баҳоли қудрат ёрдам бериш истагида бўлганлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Улар орасида тадбиркорлардан Исмат Диёров, Жўра Эшмўминов, Жўра Хўжамуродов, Бекназар Ҳақназаровларнинг беминнат улушини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу - ҳудудда яшовчилар ўртасида инсонпарварлик, ўзаро иноқлик ва меҳр-оқибат каби хислатларни чуқурроқ тарғиб қилиш, миллий анъана ва удумларимизни янада бойитишга интилаётган ўзини ўзи бошқариш органига бўлган ҳурмат эътирофидир.

Абдунаби МАННОПОВ,
Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбирлари.

«РАЙСГА ЁЛЧИГАНМИЗ» - ДЕЙДИ СЎКЧИЛИКДА КЎЛЧИЛИК

У кишини кўп жойда учратаман. Гоҳо ҳокимликда, қишлоқ фуқаролар йиғини, гоҳо хўжалик бошқарувининг идорасида раҳбарлар билан у ёки бу масалани ҳал этаётган, кимлар биландир тортишаётган, баҳслашаётган пайтларига кўп бор гувоҳ бўлганман. Шундай кезларда Рўзимат ота Холматов фақат бир дард, бир илинж - кўпчиликнинг ташвиши билан юрган бўлади.

Салкам етмиш ёшни қоралаётган отахоннинг Сўкчилик маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида қиладиган юмушлари бир талай. Ўзидан ҳам ўзгаларга кўпроқ қайишгани учунми мана, икки йилдирки маҳалладагилар уни фуқаролар йиғини раислигига сайлашган.

Сўкчилик Тошлоқ туманидаги нуфузли, йирик маҳаллалардан бири. Демак, сал кам икки ярим минг кишининг ташвиши билан яшашга, қишлоқдошлар ишончини оқлаш учун елиб-югуриб ишлашга тўғри келади.

Бугун раисни ҳам, маҳалла фуқаролар йиғини идорасини ҳам маҳалланинг кўзгуси, деб атасак хато қилмаган бўламиз. Сабаби - идорадаги кўргазмаларда ҳамма нарса мужассам.

- 2002 йилда эзгу ишларимиз кўп бўлди, - дейди раис. - Маҳалламиздан ўтган салкам 1,5 км узунликдаги зовур кейинги 20 йил мобайнида биринчи бор кавланиб, зах суви муаммоси ҳал этилди, ҳисоб. Газ идорасидагилар 1320 метр узунликдаги газ қувурини юқори босимдагисига алмаштириб беришди. Салкам 1,5 километр узунликда янгидан ичимлик суви тармоқлари тортилганлиги ҳам эзгу ишларимиздан бири бўлди. Шунча узунликдаги йўллар таъмирдан чиқарилди. Кам таъминланган оилаларга 190 минг сўмлик нақд пул ҳолида моддий ёрдам кўрсатилибди. Маҳалламиз идорасига ёндош чойхона ва савдо дўконини ҳам яқиндагина ишга туширдик. Нафақат булар, балки маҳалла гузарида пойабзал тузатиш, радиолетевизор устахонаси, сартарошхона ҳам иш бошлади. Энди ўн нафар қиз чеварчилик билан шуғулланадиган тикувчилик цехини ҳам очишни мўлжаллаб турибмиз.

Унинг айтишича, фақат ўтган йил давомида мол-мулк, ер солиқларидан 600 минг сўмдан ортиқ тушум солиқ идорасига йиғиб берилибди. Газ, электр; ичимлик суви бўйича йиғимларни тўплаш ҳам маҳаллада ўз вақтида амалга ошириб келиняпти. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки сув тўловларини йиғиш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ишидаги фаол иштироки учун йиғин раиси вилоят «Сувоқова» идорасининг ташаккурномаси билан тақдирланибди.

Маҳалланинг ўй ва ташвишларига ҳамиша ҳамдард раисга эса таърифни ҳамқишлоқларнинг ўзлари беришга чоғланишади.

- Раисдан ёлчиганмиз, - дейди нафақахўр Тожимамат ота Солиев. - Ҳимматини айтай. Маҳалладаги ночор оилалар, боқувчисиз, якка ёлғизларга фақатгина маҳалла йиғини орқали ёрдам бериш билан кифояланиб қолмайди, ўзининг ҳамёнидан ҳам кимгадир беш, бошқасига ўн минг сўмлаб ёрдам қилаётганлигини кўп бор кўрганман. Чойхона, сартарошхона ва бошқа қурилишларга кетган сармоянинг маълум қисмини ҳам унинг ўзи кўтарди.

- Менинг бир ўзим нима ҳам қила олардим, - дейди Рўзимат ота Холматов. - Аввало, Неъматжон Маҳмудов, Бегали Жўрабоев, Ваҳобжон Ҳосилов сингари фаолларимизга таянаман.

2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилингани Рўзимат ота Холматов ва унинг елкадошлари учун айни муддао бўлди. Ободончилик, кишилар турмушини фаровонлаштириш, таълим-тарбия ва бошқа соҳалардаги эзгу ишларнинг эндиликда бундан-да ривож топиши шубҳасиз.

Йўлдошали МАМАЕВ,
Фарғона вилояти.

Суратда: Сўкчилик маҳалласи оқсоқоли Р.Холматов (чапдан учинчи) фаоллар билан. Н.ҚОСИМОВ олган сурат.

Тошкент шаҳри

ЯНГИ КАМОЛОНда КУН БЎЙИ БАЙРАМ БЎЛДИ

Янги йил байрамини айниқса болаларимиз орзиқиб кутишади. Чунки улар учун бу байрам бир неча кун давом этади-да.

Биз катталар янги йил кирган кунданоқ катта-кичик муаммоларимизни ҳал этишга киришиб кетамиз. Болажонлар учун қишки таътилнинг айнан байрам кунларидан бошланиши айни муддао бўлди. Лекин болаларимизнинг бу таътилни мароқли, Янги йил байрамини қувноқ ўтказишлари кўп жиҳатдан биз катталарнинг ташкилотчилик қобилиятимизга боғлиқдир. Бу ўринда пойтахтимизнинг кўпгина маҳаллаларида болалар учун Янги йил шодиёналари ташкил этилаётгани таҳсинга лойиқдир. Шундай тадбирнинг бири 5 декабрь куни Шайхонтоҳур туманидаги Янги Камолон маҳалласида бўлиб ўтди. Маҳалланинг муҳташам Маҳалла марказига ўрнатилган арча атрофига шу куни маҳалладаги кўнгли ярим етим-есирлар, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандлари жамулжам бўлдилар. Шу куни маҳалла марказида соат 11 дан 12 гача 1-6 ёшгача бўлган болалар, 13 дан 14 гача 7-14 ёшдаги болалар Қорқиз ва Қорбобо ҳамроҳлигида ўйнаб-қувнадилар. 15-16 ёшли ўсмир ёшлар учун эса бу тантана кечгача давом этди. Шу куни маҳалла марказига келган ҳар бир болага Янги йил совғалари улашилди, саргузашт томоша намойиш этилди.

- Маҳалламизда болаларимиз, ёшларимиз тарбиясига эътибор катта, - дейди маҳалла оқсоқоли Қаҳҳор ака Содиқов. - Айни кунларда маҳалламизда стадион қурилмоқда. Бугунги тадбирни ташкил этишда маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Маъпура Муҳамедова, педагог-тарбиячимиз Мавлуда Ибрагимоваларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Мухбиримиз.

Самарқанд вилояти

ЎРМОН МАҲАЛЛАСИНИНГ ЎНИНЧИ ЙИЛИ

Маҳалламиз 1993 йилнинг 22 майида Ўрмончилар қўрғони негизида ташкил топди. Бу ерда яшовчиларнинг аксарият қисми Самарқанд Ўрмон хўжалиги жамоа аъзолари бўлганлиги боис маҳалламизнинг номини Ўрмон деб номладик. Сиёб туманидаги мазкур маҳалла ташкил топганида бор-йўғи 70 хонадон ёки 211 нафар киши истиқомат қиларди. Ўтган қарийб 10 йил мобайнида у ҳар томонлама ривожланди ва кенгайди. Шу кунда ҳудудда 660 нафардан зиёд фуқаро яшаб, меҳнат қилмоқда.

Айниқса, бундан ўн йил муқаддам маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси этиб сайланган Санобархон Иброҳимова маҳалла аёлларининг бошини бир жойга қовуштиришда, уларни маҳалла ва жамоат ишларида фаол иштирок этишларида жон қуйдириб келмоқда.

Президентимиз томонидан 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши маҳалламиз аҳолисини гоят қувонтирди. Маҳалламизда Самарқанд Ўрмон хўжалигидан бошқа корхона ва ташкилотлар бўлмаганлигидан иқтисодий қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Шундай бўлса-да, вазиятдан чиқиб кетиш учун тинимсиз изланмоқдамиз. Жумладан, ёшларимиз ташаббуси билан спорт майдони қуришга киришдик. Бу ишда бизга маблағ томонидан Сиёб туман ҳокимлиги ва Самарқанд ўрмон хўжалиги яқиндан ёрдам бермоқда. Шунингдек, янги йилда янги чойхона, сартарошхона, оёқ кийимлари таъмирлайдиган устахоналар қуришни мўлжаллаяпмиз.

Маҳалламизнинг қайноқ ҳаётида фаол қатнашаётган фахрийларимиздан Иноят бобо Неъматов, Курбон бобо Ҳасанов, Баён бобо Хуррамов, Остон бобо Миров кабилар бевосита саъй-ҳаракатлари туфайли маҳалламиз аҳолиси тинч ва осойишта ҳаёт кечирмоқда.

Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Лекин улардан қатъий назар, 2003 йил, яъни «Обод маҳалла йили» маҳаллаларимиз учун зафарлар йили бўлишига ишончим комил. Биз ўз ҳудудимизда Янги йилни Обод Ўрмон маҳалласи йили деб эълон қилдик.

Рауф ҒАНИЕВ,
Сиёб туманидаги Ўрмон маҳалласи оқсоқоли.

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳри темир йўл шоҳбекати қайта таъмирлангани йўловчиларнинг оғирини енгил қилди.

ҚУЛАЙ ШОҲБЕКАТ

- Барча қулайликларга эга, жаҳон андозаларига мос бу шоҳбекат 750 йўловчига хизмат кўрсатади, - деди «Ўзтемирйўловчи» очиқ акционерлик жамияти Қарши филиали бошлиғи Нурали Ишнаев. - Жами 1 миллион 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ҳозирги вақтда бу ерда «Қарши-Самарқанд», «Қарши-Бухоро», «Қарши-Китоб» йўналишлари бўйича поездлар қатнови йўлга қўйилган.

Шоҳбекатда йўловчилар учун кутиш зали, оналар ва болалар хонаси, меҳмонхона, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Тиббий хизмат хонасида шифокорлар йўловчиларга соғлиғи ҳақида қайғурадилар.

Шавкат СУЛТОН.

Наманган вилояти

Ҳокимият, маҳалла ва болалар

НАЗОРАТЧИ БОЛАЛАР

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бу - жамият ҳаётида давлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ҳамда аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборатдир.

Ёки Янги тонгдан бошланган тажриба

Бошқача қилиб айтганда, кучли давлатдан кучли жамият сари тамойилининг аслида ҳаётга жорий этиш, демакдир. Бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан жуда кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларини қамайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиб боришни тақозо этади. Бу йўналишлар айнан Юртбошимиз ташаббусидир.

Туманимиз ҳокимлиги яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессияси материалларидан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олди. Бизда ҳам кўпчилик асосан кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Болаларнинг айримлари кўпинча бўш қолиб назоратсиз юришади. Шу тарика онда-сонда бўлса-да майда тартиббузарликлар келиб чиқяпти. Ана шуларнинг олдини олиш учун «Келажагимиз ёшлар қўлида» дастури ишлаб чиқилди. Мақсадимиз балоғатга етмаганлар ва ногирон болалар билан яшаш жойида турли ибратли тадбирлар уюштириш, спорт мусобақалари ўтказиш ва уларни ижтимоий фойдали меҳнатга, тўпгараклларга тортиш ҳамда маҳаллаларидаги оммавий ҳаётларга, шунингдек қаровчиси йўқ қариялар, фахрийлар ҳолидан хабар олиш каби масалаларга жалб қилиш. Бунинг учун маҳалла фуқаролар йиғини ўз ҳудудидаги ҳар бир уйдан икки нафар ёшни танлаб олиб, уларни жамоатчилик асосида ўзини ўзи бошқариш идораларига болалар билан ишлаш соҳасида раҳбарликка сайлаш йўли билан ёшлар ўртасида содир этилаётган кўнгилсизликларни олдини олиш, бир сўз билан айтганда, уларнинг бўш вақтини беҳуда кетказмасликка ҳаракат қилмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши туман халқ таълими бўлими, туман Оқсоқоллар кенгаши, педагогик жамоалар билан биргаликда бу дастурни астойдил бажаришга киришди.

Масалан, айтайлик, бирорта кўп қаватли уйга нотаниш киши келди ёки шу атрофдаги болалар тўпланиб бирон бир тартибсизликни бошламоқчи, бундан аввало, ўша уйда истиқомат қилувчи жамоатчи маҳалла фуқаролар йиғини раиси ёки унинг ўринбосари дарров хабар топади ва уларни тартибга чақириб, тўғри йўлга солишга интилади. Шу тарика навбатдаги ноҳушликнинг олди олинади. Бу фикр барчага мақбул тушди. Тажриба тарикасида кўргазмали семинар ўтказилик. Шундай қилиб, Янги тонг маҳалласида болларнинг ўзини ўзи бошқариш иши йўлга қўйилди. Эндиликда бошқа барча маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам шундай сайловлар бўлиб ўтяпти. Биз бу ўринда кўпроқ ўша ҳудуддаги ўқув даргоҳлари жамоаларининг маҳаллаларга ҳам суянянпмиз. 14-28 ёшгача бўлган жамоатчи ёш уй бошқарувчи ва маҳалла фуқаролар йиғини раҳбарлари амалга оширган ишлари ҳақида вақти-вақти билан ўша ҳудуддаги ҳақиқий маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва ўқув даргоҳи раҳбариятига ёзма ахборотлар бериб турадилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида албатта рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Биз буни ҳам унутганимиз йўқ. «Келажагимиз ёшлар қўлида» дастурини амалга оширишда ҳомийлар кўмагидан фойдаланиб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, туман халқ таълими бўлими, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси вақти-вақти билан намунали ижрочиларни мукофотлаб борди. Бу ёш авлодни мамлакатимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларни янада чуқурроқ ўзлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда фаол иштирокини таъминлаш имконини берди. Тўғри, қўпор тадбирлар ўтказилди. Лекин булар ёшлар қатламини ҳали тўла қонли қамроб олди дегани эмас. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда ёш йиғин-қизлар орасида содир бўлиб турган ҳолатларнинг туб илдизларини ўрганишга ҳаракат қилятмиз. Ана шундай вазиятларни таҳлил қилиб, туман ҳокимлиги халқ таълими бўлими ва бошқа тегишли идоралар билан ҳамкорликда кўнгилли жамоатчи, уй бошқарувчи, маҳалла фуқаролар йиғини раислари фаолиятини ташкилаштирдик. Бу, албатта, яхши натижа берди, деган умидламиз.

Тўрақўрғондан Наманганга қариб келаётганингизда норқаҳанинг чап томонида Юртбошимизнинг бир турқ ёшлар даврасида турган ҳолати тасвирига назаринтиз тушади. Бу - Давлатобод ёшлар, айниқса, иқтидорли, тадбиркор, ташаббускор, спортсевар ёш йиғин-қизлар маскани экаилигига ишора. Ўйлаймизки, бу таъриф-ниятдан ҳеч ҳам афсусланмайсиз.

Обидхон АЗИЗОВ,
Давлатобод тумани ҳокими ўринбосари.

МАҲАЛЛА МЕҲР-МУРУВВАТГА ЎХШАШ СЎЗ...

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган маросимдаги нутқида сохта урф-одатларга сарфланадиган маблағ замонавий ҳаёт ва турмуш тарзига жавоб берадиган мақсадларга сарф қилинса оқилона ва савоб иш бўлишини таъкидладилар.

Бахмал туманидаги «Сангзор» хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи отахон Жуман ака Нуримов ўз жамғармасидан анчагина маблағни Қора қишлоғидаги маҳалладошлари учун сарфлади. У ҳаж сафари учун асраб қўйган сармоясидан маълум маблағни кўприк қуришга сарф этиб, халқнинг дуосини олди. Унинг бу химматини дарёдан йилнинг ҳар қандай фаслларида кечиб ўтишга мажбур бўлганлар чин қалбдан алқадилар. Одамлар дардига ҳамдард бўлиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, меҳр-оқибатли бўлишни мана шундай саховатпеша инсондан ўрганса арзийди.

Ёки бўлмаса, Булунғур туманидаги «Буюк ипак йўли» хўжалигининг Жонхўроз қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Мамаюсуф Шодмоновни олайлик. Унинг ҳиммати билан маънавият ва маърифат маркази биноси қад кўтарди. 320 ўринли мактаб ўз бағрига ўқувчиларни олди. Суҳбатда Мамаюсуф ака айтдики, отаси раҳматли Шодмон бува менинг болам бўлма, эл боласи бўл, шунда менга савоб келтирасан деган экан. Ғуруримизни кўтарадиган, халқимизнинг обрўсига обрў қўшадиган бу туйғуларни авлодларимиз катта фахр ва ифтихор билан қабул қилади, албатта.

Ғаллаорол туманидаги Болғали қишлоғида бир хонадонга ёнғин тушди. Маҳаллада яшовчилар бир ёқадан бош чиқариб, бир ой ҳам ўтмасдан уйни аслига келтириб бердилар. Ҳеч кимга ёрдам беринг деб қўлини чўзмаган, деярли куйиб хонавайрон бўлган уй соҳибининг кўзидан севинч ёшлари оқди. Маҳалла эса ер юзининг ҳеч бир жойида ўзбекка ўхшаган саховатли миллат йўқ эканлигини исботлади. Имоним комилки, ҳеч ким қилган ишини миннат қилмайди, ёрдам беришни давом эттираверади. Ҳозир шу қишлоқдан ўтсам қулоғимга маҳалла, меҳру-мурувват, шафқат, одамийлик деган сўзлар чалингандай бўлади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» - ФАРҒОНАДА

Мамлакатимизда ажойиб анъанага айланаётган «Президент Арчаси» тадбирлари барча жойлардаги каби фарғоналик кичкинтойларни ҳам беҳад севинтирди.

Фарғона шаҳридаги Зобитлар уйида ўтказилган тантаналарда вилоятдаги кам таъминланган оилалар фарзандлари ва иқтидорли болаларнинг 400 дан ортиғи қатнашдилар. Уларга ашула ва рақс гуруҳлари ижросида концертлар ва театр томошалари кўрсатилди.

Марғилон шаҳридаги, Қўқон шаҳридаги 12, 17-Меҳрибонлик уйлари, Фарғона шаҳридаги Мурувват уйи, 1-гўдак болалар уйи, ногирон болалар касб-ҳунар мактаби, санаториялар, махсус мактаб-интернатларда ўтказилган Янги йил тантаналари ҳам болалар қалбида катта таассурот қолдирди. Улар ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатилган арча атрофида қўшиқ айтиб, ўйинга тушдилар.

Янги йилнинг илк кунларида вилоятдаги жами 4 мингдан ортиқ болажонларга совғалар улашилди.

Мухбиримиз

Оқсоқол мулоҳазаси

ТЎЙ-МАРОСИМЛАР ТАБАҚАЛАНИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМАСИН

Инсон ўзини маънавиятли шахс сифатида кўрсатишга қанчалик уринмасин, агар унинг қалбида бошқа инсонларга нисбатан яхшилик, меҳр-оқибатдан нишон бўлмаса, у ҳеч қачон баркамоллик даражасига кўтарила олмайди.

Инсон маънавияти шундай бебаҳо неъматки, унга амал ёки бойлик билан эришиб бўлмайди. Уни сотиб олишнинг ҳам иложи йўқ.

Олтин ва бошқа қазилма бойликлар очиқликда кўринмагани каби, маънавият ҳам инсонни қалбида яширинган ётган туганмас бойликдир. Агар таъбир жоиз бўлса унинг таркибига виждон, ориятт, одоб, ирода, инсоф, адолат, қаноат, сабру тоқат, яхши билан ёмонни, ҳалол билан ҳаромни фарқ қила билишдек энг зарур фазилатлар киради.

Одамнинг маънавиятлилик даражасини унинг хонадонида бўлиб ўтадиган тўй-тантана ва бошқа маросимдан ҳам билиб олиш мумкин. Масалан, айтайлик, кейинги пайтларда ҳатто кенг ҳовлиси бўла туриб, тўй, маъракани ресторан, қаҳвахона ёки ҳашаматли хусусий тантаналар залида ўтказиш одатга айланиб бормоқда. Биз бунга қарши эмасмиз, агар ошинг ҳалол бўлса кўчада ич, деган мақол ҳам бор. Бироқ менинг назаримда бундай ҳолатда баъзи бир муҳим аҳамиятли масала иккинчи ўринга тушиб қолаётгандек кўринади. Чунки ҳар бир ўриндиқ саноқли, қоларса улар пул билан ўлчанади. Бундай шароитда айрим яқин қўшнилар ҳам ушбу тадбирдан ташқарида қоладилар. Ваҳоланки, қўни-қўшнининг бурчи, вазифаси тўй-маросимларда қатнашиб, қамишдан бел боғлаб хизмат қилиб, бир ошам ош - яъни ўз насибасидан бебаҳра қолмасликдир. Бунинг устига агар бу тадбир эҳсон, умуман, Аллоҳ йўлида қилинаётган тадбир бўлса, ундан кўздан тутилган мақсад амалга ошмайди. Чунки эҳтиёжмандлар бу давралардан четда қолади.

Яна бир гап: Улар ортиб қолган озиқ-овқат маҳсулотларини уйларига олиб кетмайдилар. Хонадондаги тўйларда эса, ортиб қолган ош, нон, мева-чева ёки бўлмаса турли пиширириқларни маҳалладаги бетоб ётганлар, якка-ёлғизлар ва кам таъминланган оилаларга тарқатиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси аждодларимиздан меърос бўлиб келаётган урф-одатларга тўла мос келади ва унинг замирида юқорида эслатганимиздек, одамийлик, бир майизни бўлишиб ейиш, меҳр-оқибат, қадр-қиммат сингари қадриятларимиз ётади.

Миллий маънавиятимизга дахлдор яна бир масала хусусида фикрлашсак. Жумладан, тўй ва маросимлар таклифномасида «наҳорги ошга» дейиладию, аммо аниқ вақти кўрсатилмайди. Натижада баъзи меҳмонлар жуда эрта ташриф буюрадилар. Ўртада турган маҳалла йиғини вакили эса «Булар ишга борадиганлар экан» деган ўйга бориб, уларга ош тортади. Юзаки қараганда бундай иш тутиш маъқулдек кўринади. Аслида эса, ота-боболаримиз амал қилиб келган тартиб бузилаётганини ўйлаб кўрмаймиз. Авволлари ҳурмат юзасидан ош биринчи бўлиб кекса-нуроний кишиларга тортилган. Бундай йўл тутиш қадриятларимиз мезонларига тўла мос келади ва ёшларни шу руҳда тарбиялашда яхши омил бўлади, деб ўйлайман.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, икки таклифим бор.

Биринчидан, наҳордаги маросимлар иложи борича тушлик пайтига кўчирилса. Бунда уй эгалари, ошпаздан тортиб ҳар бир хизмат қилувчига қулайлик туғдирган бўламиз - яъни улар тунда бемалол дам олишлари мумкин, иккинчидан эса, ташриф буюрувчилар ҳам қийналишмайди. Қолаверса, каллаи саҳарлаб мусиқа чалишлар эвазига етти маҳаллани огоҳ қилиш, одамларни ширин уйқусини бузишга ҳожат қолмасди.

Иккиндан, тадбирлар баҳоли қудрат хонадонларда ўтказилса исрофгарчиликнинг олди олинади ва энг муҳими одамларнинг табақаланишига йўл қўйилмайди.

Асадулла АЪЛАМОВ,
Янгийўл тумани Баҳор маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Қарши шаҳридаги Чақар маҳалласида Гулнора опа Пиримқулованинг ҳунарманд оиласига ҳамма ҳавас қилади. Бу оиланинг жажжи аъзоси ҳам каштачиликка меҳр қўйган.

Mahalla Муносабат

ЧАП ҚУЛОҒИНГИЗ ҚИЗИСА...

Айтишларича, кимдир сиз ҳақингизда гапираётган бўлса қулоқларингиз қизир экан. Рост гапиришса ўнги, ёлғон гапирсалар чапи дегандай... Ва ўйлайсиз: «Мен ҳақимда ким гапираётганикин?!»

Хуллас, ўша куни маҳалла томон бораётиб уч-тўртта аёлларнинг гурунглашиб турганининг устидан чиқдим. Кўнглим ёришди. Маҳаллада аёллар аҳилу иноқ бўлишса қандоқ яхши! Лекин... Ёнларидан ўтаётиб, уларнинг юз ифодалари, шивир-шивирларидан нохуш бир нарсани сезгандек бўлдим. «Ҳалиги... аниқ кўрганмиш, мен ҳам маҳалладан эшитдим!» дерди бири. «Вой ўлмасам, шунақа эмишми? Бизнинг кўчадаям гапиришувдия!» дерди бошқа бири. Билишимча, бу аёллар кимларнидир ғийбат қилиб, уларнинг қулоқларини роса «қизитишаётганди». Ҳар гапларининг бирида «Бу гапни маҳалладан эшитдим» деётганлари негадир менга қаттиқ таъсир қилди. Ахир маҳалла «миш-миш»лар уяси эмас, аксинча тарбия масканидир! Ёлғон гаплар ва фисқу фасодлар маҳалла шаънига доғ туширишини ҳеч гапмас. Ахир маҳаллада эндигина мустақил ҳаётга йўл олаётган ўсмирлар, балоғат остонасида турган йигит-қизлар ҳам бор. Кимдир улар ҳақда «миш-миш» гап айтсаю, биз индамай қулоқ солаверсак тўғри эмас. Ёшларнинг келажаги бир ножўя сўз билан издан чиқиши ҳам мумкин-да!

Тўғри, кўпинча бировлар ҳақидаги иғвою миш-мишларни ҳеч қаерда ишламай уйда ўтирадиган уч-тўрт хотин-халажлар ўйлаб чиқаришади. Бироқ, биз уларнинг гапларини бош силкиб маъқулласак, ўзимиз ҳам бундайларнинг таъсирига берилиб қолмасмикинмиз? Бирники мингга деган гап ҳам бор... Қолаверса, баъзан «миш-миш»лар тарқалиши оқибатида қизлар ва йигитларнинг иззат-нафси, ғурури топталгани аён бўлади. Маҳалладаги бундай нохушликлар эса бутун бир оиланинг обрўсини йўққа чиқаради. Шундай экан, аждодларимиз ардоқлаб ўтган муқаддас гўша - маҳалланинг шаънига доғ туширмайлик. Ҳар биримиз огоҳ ва ҳушёр бўлиб, бир-биримизни фисқу фасод гаплардан қайтарсак, яхшилик йўли томон ундасак, менимча нур устига аъло нур бўлар эди.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси,
Зулфия мукофоти лауреати.

Mahalla Пойтахт ҳақида жажжи тадқиқот

Тошкент «тош шаҳар»ми?

Она- Ватанимиз пойтахти атамасининг келиб чиқиши ва бу номдан англашиладиган маъно хусусида сўз кетганда, ҳатто айрим элшунос олимлар ҳам - «Тошкент» атамаси туркийча «тош» ҳамда «шаҳар» маъносини англатувчи паҳлавий (қадимги форс) тилидаги - «канта» ёхуд сўғдча «канп» сўзлари бирикишидан юзага келганлигини айтганлар.

«Асрори номҳои кишвар» («Мамлакат номларининг сирлари») илмий-атамашунослик асарида ўттизга яқин жойларнинг жуғрофий, этник ва топономик маълумотлари қадим-қадим манбалар (масалан: Птоломей, ибн Фариғун, Ёқут Ҳамавий, Фирдавсий, Беруний каби улуғ алломалар асарлари) асосида тўпланиб, илмий изоҳланган. Асарда - Тошкент - атамаси хусусида алоҳида, анча кенг ва асосли фикр юритилганлиги диққатга сазовордир. Китоб муқаддимасиданоқ жуда эътиборли маълумотлар келтирилган:

«Айтиш жоизки, Тошкент сўзидаги «тош» қисми паҳлавий тилида қуйидагича: Тош - одам танасининг кўринадиган жойидаги, юзидаги хол; бахт; эгалик қилувчи (соҳиб); ёру шерик, елкадош маъноларига тўғри келади».

Бу сўз (Тошкент)нинг «кент» қисми сўғд, паҳлавий тилларида -«шаҳар, қаср, макон, мавзе» маъноларини англатади.

Бу борада шаҳарнинг тарихда - «Ганг» номи билан ҳам машҳур бўлганлиги тўғрисида тўхталмаслик тарихий ҳақиқатни четлаш бўлур эди. Луғатларда «ганг» сўзига шундай изоҳ берилади:

«Ганг» - ҳар бир гўзал, яхши ва ажиб нарсанинг тавсифи; тоғу дарё, зиёратгоҳ номи; Чоч шаҳрининг номи».

«Фарҳанги фарсий» (форсча луғат)да: «Ганг Тошкент шаҳрининг номи, уни Чоч деб ҳам атайдилар!» дейилса, «Бурҳони қотеъ..»да бу сўзнинг ўн бир хил шарҳи берилиб, ўнинчиси шундай: «Ганг - Тошкент шаҳрининг номидир, уни «Чоч» ҳам дейдилар».

Юқоридаги фикрларни янада мустаҳкамлаш учун асарнинг «Тошканд» бобида келтирилган далилларга мурожаат қилиш мумкин. Унда Абу Фазл Байҳақийнинг «Тарихи Байҳақий» асаридан, Саъдий, Ҳоқони Ширвоний, Мужир Билқоний шеъриятларидан ишончли манбалар сифатида мисоллар келтирилади.

«Тошкент» атамасидаги «Тош» қисми «Хайлтош» сўзидан олинган ва бу «Лашкарбоши, лашкар соҳиби» маъноларини ҳам англатади. «Фарҳанги Деҳхудо» муаллифи ҳам «Хайлтош»ни, «сарлашкар» (лашкарбоши) маъносида келтиради.

Тошкент шаҳрининг яна бир тарихий номи «Чоч» экани маълум. Бу сўзга «Бурҳони қотеъ...», «Фарҳанги Нафисий» асарларида шундай изоҳ берилган:

«Тозаланган ғалла хирмони қадимда чоч дейилган!»

Бу қисқа изоҳ ўқувчининг қаноатлантирмаслиги табиий. Шу боис «Чоч» сўзи маъносини бошқа луғатлар муаллифларининг фикридан излаш ўринлидир:

Камонсозлик санъати бобида машҳур бўлган чочликлар ҳақида деярли барча луғатлар муаллифлари қуйидагича таъриф берадилар:

Энг асл камон келтириладиган жойга нисбатан Чочий камон дейилади...

Бу ўринда Низомий Ганжавий ёзади:

Каманде чу абрўйи тамғочиён,
Ба ҳам чун камонгўшади чочиён!

Яъни, бир қилтузоқ (каманд)ки, тамға (бож) олувчилар қошидек (чимирилиб) эгилган, (шунингдек), чочликлар камони каби кўркам, бежирим.

Ушбуга илова тарзида IX асрда битилган «Ҳудуд ул- олам» илмий жуғрофий асаридан ҳам ўқисак:

«Чоч - улуғ ва ободон, одамлари жанговар ғолибу бадавлат, тўкин шаҳардир. Ва ундан камону ўқдек учқур оқ отлар, икки (оқ-қора) рангли ёғоч келтирилади!»

Чоч, яъни Тошкентнинг ободлиги, тўкинлиги ва аҳолисининг ҳунарманду юртсеварлиги ҳақида Носир Хусрав Қубодиёний, Низомий Ганжавий, Асади Ғиусий, Сўзаний -Самарқандий, Унсурий - Балхий каби ўнлаб алломалар ўз асарларида таъриф берганлар. Абулқосим Фирдавсий эътирофи айниқса эътиборлидир:

Чунон буд ҳама шаҳрҳо то ба Чоч,
Ту гўфтӣ, арўсест бо шавқу тож!

Яъни, барча шаҳарлар Чоч каби бўлса, айтардинг, (бу бир) келиндир эҳтиросли ва тождор!

Она- Ватанимиз пойтахти Тошкент ҳақида XVIII асрда яшаб ўтган сайёҳ ва тарихчи Зайн ул-Обидин Ширвоний хотиралари ҳам диққатга сазовордир:

«Тошкент бир хуррам шаҳардир ва бешинчи иқлимдаги энг кўкаламзор Мадина (жой)дир. Суви тиниқ, ҳавоси мусаффо ва тупроғи майин, ери фароғатли, боғлари дилкушою, хурсандчиликнинг ҳар тури ўша ердадир!»

Дилмурод САЙЙИД

ОЛАМ ТЎРФА

ҚАДИМДАН МАЪЛУМ БЎЛГАН КАСАЛЛИК

Айрим кишилар қанд касаллиги қадимда бўлмаган, у кейинги даврда пайдо бўлди, деган фикр юритишади. Тарихий-илмий маълумотларга кўра, қандли диабет қадимги ҳиндларга маълум бўлган.

Улар ҳозирда буни «нон дарахтидан» тайёрланган идишга сув қуйиб ичиш билан даволаганлар. Милоднинг бошларида юнон олимларидан Арасту бу касалликни диабет деб атаган. Бу - юнонча сўз бўлиб «ёнидан ўтиб кетиш» деган маънони англатади. Аллома бунда буйрак орқали ўтадиган суюқликни назарда тутган.

Эслатма. қандли диабет меъда остидаги эндокрин безлари ишлаб чиқарадиган инсулин гармони етишмаслиги туфайли карбонсув, оқсил ва ёғ моддалари фаолиятининг бузилишидан келиб чиқади. Қандли диабет билан хасталанган кишилар доимо шифокор назоратида бўлиб, асосан кимёвий моддалардан тайёрланган дори-дармонлар билан даволанадилар. Илмий кузатишлар бу касалликни даволашда кўпроқ табиий биологик фаол бирикмаларга эга бўлган доривор гиёҳлар, мева-чева, сабзавот шарбатлари ва қайнатмалардан фойдаланишнинг афзаллигини кўрсатмоқда. Чунки улар кимёвий дорилар каби бошқа аъзоларга салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча наф беради.

УЛАРГА ҚОН БОСИМИ БЕГОНА

Венесуэла чегарасидан унча узоқ бўлмаган Амазонка хавзасидаги чекка бир тропик ўрмонда яшовчи Яномам қабиласининг ҳиндулари умуман стресс нималигини ва гипертония қандай касаллигини билишмайди.

Бразилиялик шифокор ҳиндулар яшайдиган бу қишлоқ ҳаётини, аҳоли емишларини ярим йил кузатиб, ўрганиб чиқди.

Умуман, шаҳардагига қараганда табиат оғушида тинч кечаётган бу ҳаёт анчагина соғломдир. Масалан, Бразилиядаги аҳолининг 20 фоизга яқини қон босими юқорилигидан шикоят қилади. Яномам ҳиндуларини эса бу касаллик четлаб ўтган. Улар учун туз ва ёғ бутунлай бегонадир. Ҳиндулар ўз таомларини маҳорат билан тайёрлайдилар. Улар гўштнинг ёғи бутунлай эриб битгунга қадар пиширадилар. Бу уларнинг соғлом бўлишининг бир йўли бўлса, иккинчилан, ҳиндулар ўз жамоаларидаги ишларни йўлбошчиларга итоат қилган ҳолда осойишталик билан ҳал қиладилар.

СОПОЛ КЎЗАЧАДАГИ МОЙ

Ўлик денгизининг қирғоғида 1947 йили Библиянинг қимматбаҳо қўлёзмаси топилган эди. Машҳур ғорлардан бири яна ҳаммани хурсанд этди.

Салкам бир метр чуқурликдан пальма барги билан ўралган ва оғзи пўкак билан беркитилган сопол кўзача топилди. Исроиллик археолог Йозеф Патрик кўрмасдан бу идишнинг ичи мой билан тўлдирилганлигини маълум қилди. Мой текширилганда пўкак атрофида қотиб қолган ёғ кўзачанинг оғзини зич ёпиб жипс беркитган. Шунинг учун ҳам мой яхши сақланган. Катта Плиний қўлёзмасини кўздан кечириб чиққан археолог ва кимёгарлар бу идишда оддий ўсимлик мойидан оғирроқ махсус бальзам мойи бордигини айтишади. Ғордан топилган қўлёзмалардан бирида Қудус аҳолиси милоднинг етмишинчи йилларидаги бальзамни яшириб қўйганлиги айтилган. Эҳтимол, бу идиш ўша яшириш бойлигининг бир қисмидир.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Билмасангиз, билиб олинг!

САВОЛ:

АВТОМАШИНА МЕНИКИМИ, Ё ХОТИНИМНИКИ?

Мен хотиним билан суд тартибида ажрашдим. Судя мол-мулкни бўлишда менинг шахсий қарзимга олинган автомашинамни умумий биргаликдаги мулкка қўшиб, собиқ хотиним ва мен ўртамизда тақсимлаш тўғрисида қарор чиқарди. Шу тўғрими? Шахсий қарзга олинган мулк эр-хотин ўртасида бўлиниши мумкинми? Шу тўғрисида маълумот берсангиз.

С.Эргашев,
Фарғона вилояти.

ЖАВОБ: **ҚАРЗГА ОЛИНГАНИ СИЗНИКИ!**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 34-моддасига кўра, эр-хотиннинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириш фақат унинг мол-мулкига қаратилиши мумкин. Ушбу мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда ҳақ ундиришни эр-хотиннинг мол-мулкига қаратиш учун кредитор қарздор эр-хотин улушини эр-хотиннинг умумий мол-мулкидан ажратиб ундириб берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Ушбу моддаанинг шарҳида, эр-хотиннинг қарзи умумий ёки шахсий бўлиши мумкин. Шахсий қарзлар эр-хотиндан биттасининг никоҳ тузилганигача ёки никоҳ даврида ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш учун олган қарзлари ҳисобланади. Шунинг учун судя мол-мулкни бўлишда Сизнинг шахсий қарзингизга олинган автомашинани бўлишга ҳақли эмас. Ҳар бир эр-хотин ўзининг эҳтиёжлари учун олган қарзлари ва мажбуриятлари юзасидан ўзлари жавобгар бўладилар. Агарда суд ҳал қилув қарори чиқарган бўлса, Сиз юқори суд органига 20 кунлик муддат ичида апелляция, бир йил давомида эса кассация шикоятини бериб, ишнинг қайта кўрилишини талаб қилишингиз мумкин.

Саволга Тошкент Давлат юридик институти «Фуқаролик процессуал ҳуқуқи» кафедраси катта ўқитувчиси М.ДОНИЁРОВ жавоб берди.

Сурхондарё вилояти

Mahalla Ўлчовда хиёнат йўқ

ЖУМА БОЗОРИ ТАРОЗИЛАРИ...

Одамлар орасида сотувчилар тарозидан уриб қолаётганликлари хусусида гаплар юради. Жума бозори яқинида жойлашган тоғли қишлоқларга борсангиз, асло бундай гапни эшитмайсиз.

Жума бозори баланд тоғлар бағрида Катта Вахшивор қишлоғи этагида жойлашган. Ҳар жума куни бу ерга Олтинсой, Денов, Шўрчи, Бойсун туманларидан одамлар келиб савдо қиладилар.

Бу ердан савдо қилган бирон кишининг тарози, ўлчовдан шикоят қилганини эшитмайсиз. Кўп жойларда бир кило ёғ бир литрга тенг бўлиб қолган. Жума бозорида ҳали-ҳамон ёғни тарозига қўйиб-килолаб сотишади. Нархи эса бошқа жойлардаги литрнинг нархи билан тенг.

Тоғлик деҳқонлардан бири Сафар Абдураҳимов шундай дейди:

- Шўрчи ёки Термизнинг бозоридан ўттиз кило нарса харид қилсам, осонгина кўтариб кетавераман. Лекин ўзимизнинг Жума бозоридан олган ўттиз кило юкимни анча заҳмат билан кўтараман. Барака топгур сотувчилар бировнинг ҳақидан қўрқишади.

Биз ҳам бориб кўриб-билиб юрибмиз. Бу гапларнинг заррача ёлғони йўқ. Яна бир нарса: бу ерда асосан осма - 20 килолик тарозидан фойдаланишади. Бошқа бозорларда одамлар чўнтагига солиб юрадиган, анча чўзилиб қолган, уриб қолишга шай турган тарозилардан бу ердан фойдаланишга асло изн бермайдилар. Баракаси шу қадар кўп. Нега шундай? Худди сиз каби бизни ҳам бу савол қизиқтирди.

Жума бозорининг иш юритувчиси Парда Маматалиев бу хусусда шундай дейди:

- Мен бу ерда оддий иш юритувчиман. Бозор шундай жойки, унда ҳамма ишни бир киши зиммасига олиб уддалай олмайди. Биласизми, мен нима қилдим? Мен кўпинча маҳалла оқсоқолларига, қарияларга, қайвониларга суянаман. Хусусан, Катта Вахшивор маҳалла фуқаролар йиғининнинг имкониятларидан фойдаланаман. Маҳалла фаоллари бозордаги нарх-навони ҳам, тартибни ҳам жиловлаб туришади. Бир сафар бозоримизга қаердандир беш-тўрт қиморбоз келиб иш бошладди. Унча-мунча гапга қулоқ соладиган йигитларга ўхшамади. Иложим етмагач, маҳалла фаолларига мурожаат қилдим. Ўша қиморбозлар шу ердан эсон-омон қутилиб кетганларига ҳам шукур қилдилар, назаримда. Бошқа бир сафар эса қаердандир холвафуруш чол келди. Қарасам, паллали тарозида стандарт тошлар ўрнига қўл фонарининг эски батареяларига латта ўраб ишлатаяпти. Огоҳлантирдим, «Бизнинг бозорда бундай қалбаки ишларни ёмон кўришади», - дедим. Чол билмаганга солиб яна ҳолва сотишда давом этди. Шунда маҳалла фаоллари келиб тарозига хиёнат қилиш икки дунё учун ҳам кечирилмас гуноҳ эканлигини чолга яхшилаб тушунтиришди. Ҳолвафуруш чол тўғри тарозида савдо қила бошлади. Хуллас, бизнинг бозорни маҳалла фаоллари, аниқроғи, халқнинг ўзи бошқаради. Шунинг учун ҳам бу ерда барака кўп.

Жума бозори ҳам арзонлиги, ҳам экологик тоза маҳсулотларга бойлиги билан ҳам довруқ топган. Картошкалар, энг тоза ва шифобахш асаллар, қовун-тарвуз, турли мева-чевалар анча арзон баҳода сотилади.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
«Mahalla» мухбири.

ДЕВОНБЕГИ МУТРИБ

Шўролар даврида Хоразм адабий муҳити ҳақида гап кетганда, Огаҳий, Мунис ва Аваз Ўтардан бошқа шоирлар номларини билмасдик. Шукрки, Мустақиллигимиздан сўнг ўз тарихимизни чуқур ўргана бошладик ва Хивада ҳам шоҳ ва шоир Феруз раҳнамолигида 30 дан ортиқ етук сўз усталари яшаб, ижод этишганлигини билиб олдик. Улардан бири Мутриб Хонахароботийдир.

Бугунги кунда кўплаб олим ва ўлкашунослар Мутриб меросини тадқиқ қилишмоқда. Бу илмий-ижодий изланишлар натижасида шоирнинг сўнгги ҳаёти ҳақида муҳим маълумотлар қаторида Мутрибнинг қизи Хонимжон Ҳасанова Хоразмнинг чекка қишлоқларидан бирида яшаб, 1993 йилда 77 ёшида вафот этганлиги аниқланди.

Мутриб Хонахароботий (асли исми Муҳаммад Ҳасан ўғли) 1854 йилда Хивадан унча узоқ бўлмаган Оқдарбанд қишлоғида дунёга келади. Унинг отаси Ҳусаин ҳожи табиб асли Эрон фуқароси бўлиб, табиблик сабабли Хивага келиб Муҳаммад Раҳимхон Пнинг хизматига киради. Ўзи ўқимишли бўлгани учун у ўғлининг ҳам илмли, зиёли одам бўлишини истарди. Шу боис, уни Муҳаммад Аминхон мадрасасига ўқишга беради.

Ёш Муҳаммад Ҳусаин зеҳни ўткирлиги, билимдонлиги билан тез кўзга ташланади. У мусиқани севар, танбурда қўшиқ куйларди. Мутриб талабалик давридаёқ созанда сифатида элга танилади. Унинг хабарини эшитган хон Муҳаммад Раҳим Ҳусаинни саройга девонлик вазифасига ишга қабул қилади. У Феруз томонидан уюштириладиган шоирлар кечасида танбур чалиб, қўшиқ айтар, даврага файз киритарди. Унинг шеърлари Муҳаммад Раҳимхонга маъқул тушиб қолади.

Феруз бошчилигидаги адабий муҳитга яқинлашган Мутриб бу ерда Огаҳий, Баёний ва Аваз Ўтар каби етук шоирлар билан дўстлашиб, ижодий ҳамкорлик қилади.

Бир куни хон унга ўзининг янги ғазалини ўқитади. Мутриб ғазални ўқий бошларкан, Муҳаммад Раҳимхоннинг авзойи ўзгара бошлайди. Чунки, ғазал кечагина ёзилган бўлиб, ҳали нотаниш бўлганлигидан Мутриб унинг айрим жойларини бузиб ўқиётганди. Хон девонбегига юзланиб, унинг қулоғига бир нималарни шивирлайди. Мутрибга эса, ғазални ўқиб бўлган заҳотиёқ, базм эндигина бошланган бўлишига қарамасдан уйига кетишга рухсат беради.

Мутриб уйига келса хон одамлари унинг томини очиб бузишаётган эди. Ҳайрон бўлган шоир югуриб келиб, «Ҳой, нима қиляпсизлар. Ахир, мен хоннинг девонбегиси Мутриб бўламан. Уйимни йиқитишга ким рухсат берди сизларга?!» дея уларни тўхтатишга уринади. «Билмадик, хоннинг буйруғи шу!» - елка қисишади навкарлар. Баттар ҳайратланган Мутриб ниҳоятда саросималаниб, хон ҳузурига қайтиб келади.

- Тўрам, бир қошиқ қонимиздан кечинг, қайтиб келишга мажбур бўлдим. Уйга етиб борсам, навкарларингизнинг уйимни хароб қилишаётгани устидан чиқдим, - арз қилади у хонга.

- Ахир, сен бизнинг туппа-тузук ғазалимизни хароб қилганингда индамай чидаб бердик-ку, сен нега арзимас уйингни деб мунча қиёматни бошлайсан, - дейди хон. Сўнг яна кулиб, - майли уйингни тузаттириб бераман, лекин бундан сўнг сенинг тахаллусинг «Хона харобий» (уйи хароб бўлган) бўлсин дейди. Шу воқеа сабаб, шоирнинг тахаллуси Мутриб Хонахароботий бўлиб қолади.

Шундан сўнг, Мутриб қизғин ижодга шўнғиб, яна хоннинг эътиборини қозонади. Муҳаммад Раҳимхон унга совға-саломлар тортиқ қилади.

1920 йилларда Мутриб Хоразмнинг етакчи намоёндаларидан бирига айланганди. Шоир шеъриятининг катта қисми 1909 йилдаёқ Шариф Муҳаммад Ёқуб-Харрот томонидан кўчирилиб, девон қилинган эди. Бу девонга шоирнинг 300 дан ортиқ ғазал, рубоий ва мухаммаслари киритилган. Унинг «Юруғ мия», «Марш», «Қасида», «Бир яхши даврондур» каби ғазал, рубоий ва шеърлари ўзининг ғоявий жиҳатдан пишиқлиги, ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳаётини тўлақонли акс эттириши билан алоҳида ажралиб туради.

Тарихдан тарақча

Кўринг энди, халойиққа адолат ошкор ўлди,
Тузилгач ҳуррият қонуни, олам лолазор ўлди.
Бу ишларга чунон ихлоси йўқ, бир неча нодонлар,
Ётиб ғафлатда гумроҳ-у, ҳунарсиз, хор-у-зор ўлди.

Шоирнинг «Шоҳи Комрон» достонини ёзганлиги кўп манбаларда таъкидланган. Бироқ, бу асар ҳозирча топилгани йўқ. Сабаби, 1920 йилда Хивада Шўролар тузуми ўрнатилгач, Хоразм адабий муҳити намоёндалари турли томонга тарқаб кетишди. «Сарой шоирлари» инқилобчилар томонидан сиқувга олина бошланди. Асарлари ёқиб юборилди. Шукрки, бу талотўпларда Мутрибнинг боши омон қолганди. Оиласи даромадсиз қолган Мутриб бироз вақтгача элнинг тўйу, ҳашамларида соз чалиб кун кўришга мажбур бўлади. Кейинроқ, дўстлар ёрдамида «Инқилоб қуёши» (ҳозирги «Хоразм ҳақиқати») газетасига мухбир бўлиб ишга киради.

Мутриб Хонахароботий 1925 йилда Хивада вафот этган. Ундан икки фарзанд қолади. Шоир вафотидан сўнг, ўғли Ҳошимжон Ҳасанов Хива болалар уйида тарбияланади. Қизи Хонимжон эса, онаси билан бирга Хива яқинидаги Оқдарбанд қишлоғига кўчиб ўтишади. 1938-1939 йилларда Фарғона педагогика билим юртини тамомлаган Ҳошимжон Ҳасанов ҳам Оқдарбандга кўчиб келиб, то умрининг охиригача шу ерда ўқитувчилик қилади. У қишлоқда махсус маълумотга эга бўлган биринчи муаллим эди. Хонимжон ҳам шу ерда турмуш қуради. Беш ўғил, икки қиз кўради. Ҳозир унинг катта ўғли - Мутрибнинг набираси Отабой Ғуломов Оқдарбанд қишлоқ фуқаролар йиғини раиси. Халқ ўртасида Мутрибнинг набираси сифатида катта эъзозҳурматга эга.

- Оқсоқоллик энг масъулиятли ва мураккаб вазифа. Халқ бундай жойларга кўпроқ ҳалол, ўзлари ишонишадиган одамни сайлайди. Бугун бобомнинг ёрқин хотираси ҳурмати учун халқим мени ишониб шу вазифага сайлаган экан, менинг мақсадим масъулият билан иш юритиш, ўзимга билдирилган ишончни оқлаш, - дейди шоирнинг набираси О.Ғуломов.

Қодир МУЛЛАЕВ,
«Mahalla» мухбири.

МУНАЖЖИМЛАР ТАБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Ҳамон байрам кайфиятида юрибсиз. Бу албатта яхши. Лекин асосий фаолиятингиз билан боғлиқ ишларингиз ўлдажўлда қолиб кетиши мумкин.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Нима учундир сизга хос бўлган хушчақчақлик, қувноқлик сезилмаяпти. Ишонинг, бу ҳолдан атрофингиздагилардан кўра кўпроқ ўзингиз азият чекасиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Айни кунларда молиявий битимларни имзолашни кейинроққа қолдириб туринг. Чунки шу кунларда сизни доғда қолдирмоқчи бўлганлар кўп бўлади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Янги йил арафасида режалаштирган ишларингиз қолиб, умуман кутилмаган муаммоларни ҳал этишингизга тўғри келади. Лекин бунинг уддасидан чиқасиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Байрам баҳонасидаги беҳисоб меҳмондорчиликлар туфайли яқин кишиларингиздан бироз узоқлашиб кетдингиз. Биргина оилавий тантана муносабатларингизни яна изга туширади.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Сизда жўш ураётган ғайрат-шижоатга ҳавас қилсалар арзийди. Бу ҳолатдан биринчи навбатда ўзингиз унумли фойдаланиб қолинг, кўп юмушларни битказиб оласиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Қишқи сайру-саёҳат бошқа фасллардагидан ҳам завқлироқ бўлиши мумкинлигини ўз тажрибангизда синаб кўришингиз мумкин. Узоқ сафар сизга хушнудлик бахш этади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Байрамда совғалар улашавериб, моддий жиҳатдан анча-мунча қийналиб қоласиз. Нима бўлганда ҳам, кайфиятингизни бузманг, катта фойда келтирадиган ишлар сизни кутмоқда.

КОВҒА (20.01-18.02)

Шу кунларда муҳаббат борасида омадингиз чопиб, бир умрга татигулик ҳиссиётлар оғушида қоласиз. Тасодифий танишув ҳаётингизда яхши ўзгаришлар ясаши мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Йил бошидан анча-мунча муаммоларга қўмилиб қолишингиз мумкин. Вазиятни сизнинг хушмуомилалигингиз яхши томонга ўзгартиради.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Муҳим қарорга келишда ҳеч кимнинг маслаҳатига қулоқ тутмай, ўз билганингиздан қолманг. Бундай қайсарлик сиз учун фойдадан холи эмас.

СИГИР(22.0420.05)

Шу кунларда эски йилда бажарилмай қолган юмушларни адо этиш билан банд бўласиз. Бироз зерикарли бўлса ҳам, бу ишларни адо этиш сизга фойда келтиради.

ХАТОЛАР УСТИДА ИШЛАШ... КЕРАК(МИ?)

Сир эмас «Ёшлар» телеканали ўзининг бир-биридан қизиқ кўрсатувлари билан барчанинг эътиборини қозонган. Тан олиш керак ушбу каналдаги кўрсатувларнинг савияси юқорироқ туради.

Севимли телеканал биз каби мухлисларни ҳар доим ҳам хушнуд эта оладими?

Бу саволга ҳа ёки йўқ деб жавоб бериш учун Янги йил оқшомида режалаштирилган кўрсатувларни эсга олсак шунинг ўзи кифоя.

Кимнинг тасаввурида қандайлигини билмадиму, менинг назаримда айрим севимли санъаткорларимиз телевизорда бир-икки чиқиш қилиб, яна ғойиб бўлиб қоладилар. Сир эмас қизиқчи санъаткорлар орасида Обид Асомовни алоҳида қизиқиш билан кутиб олинади.

Лекин нега ўша биз севиб томоша қиладиган «Обид шоу» (билмадим нега «шоу») каби кўрсатувлар Янги йил оқшоми кунлари режалаштирилмаган?

Кейинги пайтларда матбуотда ўзбек эстрадасининг нуфузи, айрим ёш санъаткорларимизни ижро этиш савиясининг жуда паст даражада эканлигини танқид қилмоқдамизу. Лекин...

Лекин нега катта-катта тадбирлару кўрсатувларни айнан ўшалар «қизитаяптилар».

А.БЎРИЕВ.

- Яна нима деяпти?
- Обод маҳалла оилида «Mahalla»га обуна бўлишга ҳалиям кеч эмас, - деяпти...

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ҳокимлиги Газа маҳалласи оқсоқоли Мамаражаб МУСУРМОНОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади

«ҲУНАР»ЛИ УСТА

• Ҳикоя •

Абдурасул УМАР,
уйғур адиби

Мен Ёсин устани фақат сиртидангина билар, унинг доврўгини эшитиб юрардим. Лекин сира соч олдириб кўрмагандим. Бир гал устанинг сартароишхонасига боришга жазм қилдим. Сартароишхонада ўрта бўй, буғдой ранг, яноқоқ юзли эллик ёшлар чамасидаги Ёсин уста, юмшоқ қурсининг суянчиғига бошини қўйиб, соч-соқолини олдираётган кишига гап сотарди:

- Соч олишни билган билан иш битмайди, унинг ҳам нозик томонлари, усулларини билмаса бекор. Мана менинг олдимга сиз каби раҳбарлар келиб туришади. Иш қилиб, каминага худо юқтирган экан бу касбни, ҳарқайсингизни кўнгилдагидек рози қилишга ҳаракат қиламан-да, а, лаббай. Шундай тез-тез келиб туринг.

Раҳбар кулимсиради. Ўрнидан туриб кўзгуга яқинроқ бориб қаради-да, мамнун бўлган ҳолда:

- Раҳмат уста. Мен энди борай, иш вақти ҳам бўлиб қолибди.

Сўнг, у навбат кутиб ўтирганларга қаради-да:

- Э-э, Аҳмаджон, яхшимисиз кўзларимга ишонгим келмайди, наҳотки, бу сиз бўлсангиз. Бормисиз дунёда, хў-ўб яхши келиб қолибсиз. Қаерлардан сўраймиз? - деганча менинг ёнимда навбат кутиб ўтирган ўрта ёшлик, қора сукондан чопон кийган бир киши билан қизғин саломлашди ва уни ўриндиққа таклиф қилгач қўлиб қўйди, - ўзим афандим, анча бўлди-ёв кўринмай қолганингизга?

- Ҳа, бормиз, бор бўлмай қаерда ҳам бўлардик, ишдан ортиқолмаймиз.

Олдимдаги узун ўриндиқда сиқилишиб навбат кутиб ўтирган кишиларнинг кайфиятлари бузилиб ғудулашиб бошлашди:

- Биз келганга ҳам талай вақт бўлди. Бу уста фақат бошлиқларнинг, таниш-билишларнинг сочингина олар-кан-да!

- Ҳай, бир кунлик якшанбалик мана шу ерда ўтадиган бўлди-да!

Сабр косаси тўлган бир неча киши хафа бўлишиб сартароишхонадан чиқиб кетишди. Ёсин уста уларга узр айтиш ўёқда турсин, ақалли қараб ҳам қўймади. У бояги танишиш билан нимандир келишиаётганди.

Мен охиригача чидаб туришга қарор қилдим.

Ёсин уста ҳалиги кишининг ҳам сочини ясаб бўлди.

Ниҳоят навбат менга ҳам етиб келди. Мен чопонимни ечиб осгичга илиб қўйиб, энди курсига ўтирмоқчи ҳам эдимки, сартароишхонага оқ сочли, баланд бўйлироқ бир киши кириб келди.

- Ассалому алайкум, уста!

Ёсин уста алик олиб, орқасига бурилди-да, ҳалиги кишини кўриши билан бу одам билан ҳам қуюқ ва қизқин сўрашиб кетди.

- Ҳа, бирпасгина ярмаркасини очгандик, ўша ерда бўлишга тўғри келди, - деди у.

- Зап яхши бўлибди-да. Байрамга янги моллар келгандир?

- Бир қисм моллар келди. Бирор нарса керакмиди?

- Жўда керак-да, шу десангиз афандим, уйдагилар анчадан буён бир-ивоқи қиймлик шифон дуҳобанинг гапини қилавериб қулоқ-миямни қоқиб нақ қўлимга бершиаёзди-да?!

- Бўлади. Дўконга боринг...

Мен ўриндиққа эндигина ўтирган эдим ҳамки, Ёсин уста бироз энгашиб паст овозда:

- Укам, хафа бўлмай яна бир озроқ сабр қилиб турсангиз, манави кишининг сочини олиб юборай-а? - деди.

Орадан ўн минут ўтмасдан сартароишхонага пакана, юмалоқдан келган бир киши кириб келди.

- Ў-ў-ў, Қосимжонмилар? Балли, баллией. Бугун эрталабда уйдагилар билан худди сизнинг гапингизни қилгандик. Мана қарангки, нақ вақтида келдингиз?!.

Энди навбат сақлашнинг асло ҳожати қолмаган эди...

Уйғурчадан
Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН
таржимаси.

Бахтли лаҳзалар



Р.Галиев олган сурат

Жой номлари жумбоғи

АЛЛОМА ЗИЁРАТГОҲИ ҚАЕРДА?

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида улуғ аллома Хожа Абу Ҳасан Андақий номи билан аталадиган Андақсой маҳалласи бор. Маҳаллада бу зотнинг зиёратгоҳи ҳам мавжуд.

Ўз даврининг буюк кишиларидан бири Хожа Абу Ҳасан Андақий ҳақида баъзи манбаларгина маълумотлар учрайди. Масалан: Ҳасанхожа Нисорий «Музаккири аҳбоб» номли тазкирасида шундай ёзади «Ҳожагон силсиласи - тасаввуфнинг, Хуросон ва Ўрта Осиёда XII асрда вужудга келган «Силсилати заҳаб» (Олтин занжир) ҳам деб аталувчи тариқати бўлиб, унга Абу Яъқуб Юсуф бин Айюб бин Юсуф бин ал-Ҳусайн ибн Ваҳра ал Ҳамадоний асос солган... Юсуф Ҳамадонийнинг тўртта ўринбосари бўлиб, улардан бири Хожа Андақий» деб қайд этилади. Шунингдек, Абдулкарим ас-Самонийнинг «Ал-Ансаб» асарида ҳам бу зот ҳақида маълумотлар берилган.

Ислом оламида ўзига хос ўринга эга бўлган бу шахс ҳақида матбуотимизда турли хил қарашлар юзага келмоқда. Ҳақиқат баҳсларда туғилганидек, бизнинг мулоҳазаларимиз ҳам ўртага ташланса фойдалан-ли бўлмас. «Mahalla» газетасининг 2002 йил 4 сентябрь сонида Ҳ.Ҳошимовнинг «Улуғ аллома ворислари» номли мақоласида: «Ислом оламининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири Хожа Ҳасан Андақий зиёратгоҳи Қизилтепа туманида жойлашган», - дея таъкидланган. Бу фикрни асословчи ёки бу зиёратгоҳ ҳақиқатан Хожа Ҳасан Андақийга тегишли эканлигини тасдиқловчи фактлар мавжудмикин? Чунки Оқтов тизма тоғларининг ёнбағрида сўлим бир қишлоқ бўлиб, Андақсой номи билан аталади. Ушбу қишлоқдаги бир «қабр» қадимдан Хожа Ҳасан Андақий номи билан аталади. Ҳозирги вақтда катта зиёратгоҳга айлантирилган. Маҳалла аҳли томонидан бу жойда Хожа Андақий номи билан аталадиган шарқ меъморий ёдгорликларига ҳамоҳанг равишда йирик бир обида бунёд этилмоқда.

Ўйлаймизки, олимларимиз бу борада изланишлар олиб бориб, бу борада аниқликлар киритишади.

Аслиддин НОСИРОВ,
доцент.

Абдул-ҚОДИР

Янги термалар

ДЎСТОНА ПАНДЛАР

Эр эсанг, эртангни ўйлаб ёз қанот,
Жангга кирсанг, душманинг бағрин қонат.
Элу юртинг олдида жонми азиз?
«Жон азиз!» - деганлара минг бор уят!

Гул дебон, гулгашти саҳро истама;
Дур дебон, отинг денгизга қистама.
Ўз уйинг - ўлан тўшагингни қўйиб,
Ўзга ердан обрў қилма тама.

Кеч кирар, кунлар ўтар, тонглар отар,
Минг хил ўй, ташвиш билан умринг ўтар.
Жон чекиб, ўстирганинг - ўғил, қизинг -
Қувватингдан қолганингда асқотар.

Кимки ишлар тер тўкиб, - дармондадир,
Кимки ишёқмас эса, - армондадир.
Ўйламас ким эртасин ва охирин,
Аҳли ҳиммат қошида шармандадир.

Ҳар кишига хоеидир қилмоқ хато,
Бўлмаганлар нуқссиз Одам Ато.
Гар адашсанг бу ҳаёт йўлларида,
Тўғри йўлга бошлагувчидир Худо.

НИМ ТАҒАССУМ

ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИЛГАН МАҚОЛЛАРДАН

* Аёл ўттизга чиққанда компрсанитка бўлади!
* Қозонга яхши юрсанг, пиндаги гўшт-ёғи ҳам юқади!
* Энг яхши одам - бошлиқ, энг ёмон одам - собиқ бошлиқ!
* Семизликни ферма мудири ҳам кўтаради!

С.ДИЛМУРОД

СКАНВОРД



ЯНГИСИДАН БОР

Иккиўртоқ учрашиб қолипти.
- Ўша севган қизингга уйланиб олдингми, ё ҳали ҳам овқатингни ўзинг пиширяпсанми?
- Уйланиб ҳам олдим, ўзим пиширяпман ҳам...

- Сен, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли бўлишларини ёқлайсанми, ёки?
- Албатта ёқлайман. Ҳадеб хотинимнинг айтганини қилавериш дан тўйдим-ку ахир.

Футбол томоша қилаётган хотин эридан:
- Нега анови йигитни томошабинлар койишгани койишган?
- Чунки у бўш шишани судяга қараб отгани учун.
- Ахир шиша судяга теккани йўқ-ку.
- Худди шунинг учун ҳам уни койишяпти-да.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ
Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

6600 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1126 Топширилди— 22.00